



Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази



Ўзбекистон  
хотин-қизлар  
Қўмитаси



БМТ  
Тараққиёт  
Дастури

Uzbekistan

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАРДА

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланади



ТОШКЕНТ – 2010

67.412.1 - Инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази  
Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси  
БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

**Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда.** Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланади. Тошкент: SMI-ASIA, 2010, 54 б.

Муаллифлар жамоаси: М.М. Инакова, Ф.Б. Файзуллаева  
Масъул муҳаррир: ю.ф.д. А.Х. Саидов  
Рецензентлар: ю.ф.н. Ф.Х. Бакаева, ф. ф. н. Е.А. Абдуллаев

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда ратификация қилган Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг асосий қоидаларини тушунтиришга бағишланган. Конвенция ва миллий қонунчиликнинг хотин-қизлар ҳуқуқларига доир қоидалари мазкур китобда саволлар ва жавоблар тарзида ёритиб берилган бўлиб, улар аёлларга оид долзарб жиҳатларни қамраб олади.

Брошюра фақатгина аёллар учун эмас, балки аёлларнинг жисмоний, ақлий ва маданий-маърифий салоҳиятларини самарали амалга ошириш учун қулай шароитларни яратишга масъул бўлганлар учун ҳам мўлжалланган.


БМТ Тараққиёт Дастури БМТнинг умумжаҳон ривожланиш тармоғи бўлиб, инсонларнинг турмуш даражасини оширишда кўмак сифатида илғор ўзгаришларни тарғибот этади ва мамлакатларга билим, тажриба ва тавсиялар беради.

10-41459/4<sub>91</sub>

Ушбу нашрда ўз ифодасини топган қарашлар муаллифлар фикридир ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

ISBN 978-9943-17-018-6

Бепул тарқатилади.



© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2010 й.

© Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси, 2010 й.

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2010 й.

O'zbekiston MK



# Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	<b>5</b>
<b>I Хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга оширишнинг халқаро асослари ва уларнинг миллий қонунчиликдаги акси</b> .....	<b>9</b>
Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция нима?.....	10
Конвенция қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан уйғунлиги қандай?.....	11
«Хотин-қизларга нисбатан камситиш» нима дегани?.....	13
Аёллар учун яратилган имтиёзлар эркаклар ҳуқуқини бузмайдими?.....	16
<b>II Хотин-қизларнинг мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги иштироки</b> .....	<b>19</b>
Аёл кишига овоз бериш шартми?.....	20
Аёл киши дипломат бўла оладими?.....	22
Шаҳар ва қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятлари фарқлими?.....	24
Аёл киши фермер хўжалигининг раҳбари бўла оладими?.....	24
<b>III Хотин-қизларнинг таълим ва меҳнат фаолиятига бўлган ҳуқуқлари</b> .....	<b>27</b>
Ота-оналар қиз боланинг ўқишини тақиқлаб қўйишлари мумкинми?.....	28
Қизлар қайси олий ўқув юртларида ўқишлари керак?.....	28
Ҳомиладор аёлга ишга қабул қилишни рад этиш мумкинми?.....	32
<b>IV Оилавий муносабатларда хотин-қизлар ҳуқуқлари</b> .....	<b>35</b>
Ҳаётнинг қайси соҳаларида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак?.....	36
Диний одатларга кўра тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланадими?.....	38
Никоҳ шартномаси ўзи нима, ва у нима учун керак?.....	40
Никоҳ тузишдан олдин бўлажак эр-хотинларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари мажбурийми?.....	41
Қай бири муҳим: қонунми ёки одатми?.....	42
Чет эллик билан никоҳ қуришим ўзбек фуқаролигимнинг ўзгаришига сабаб бўлмайдими?.....	44
Оиладаги фарзандлар сонини ким белгилайди?.....	46
Чет элга чиқишим учун турмуш ўртоғимнинг розилиги керакми?.....	48
<b>Хулоса</b> .....	<b>50</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>52</b>
<b>Фойдали маълумот</b> .....	<b>54</b>



# К

ундалик ҳаётимизда биз турли ҳуқуқий муаммоларга дуч келамиз. Масалан, иш шaroитлари тегишли талабларга жавоб бермаса ёки асоссиз ишдан бўшатишса, ўз меҳнат ҳуқуқларимизни қандай қилиб ҳимоя қилишимиз мумкин? Сиз у ёки бу шaroитда ижтимоий нафақа ёки имтиёздан фойдалана оласизми? Сиз қандай мулкӣ ҳуқуқларга эгасиз?

Кўпгина ҳуқуқий саволлар “жинсга кўра фарқланмайди”, яъни улар ҳам аёллар, ҳам эркекларга бир хилда тегишли бўлади. Ҳақиқатан ҳам, Конституциядан бошлаб барча ҳуқуқий ҳужжатларда эркеклар ва аёллар тенг ҳуқуқларга эга эканлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Давлат аёллар ҳуқуқларини тўла рўйбга чиқариш учун барча чораларни кўрмоқда. Лекин, аёллар ҳуқуқларини эркеклар ҳуқуқлари билан тенглаштирибгина қолмай, балки бу тенгликнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини ҳам яратиш керак.

Бундай ҳуқуқий кафолатлар алоҳида давлатлар ёки дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилиниши мумкин. Халқаро миқёсда қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар – халқаро шартномалар, конвенциялар, пактлар – уларни ратификация қилган барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ана шундай халқаро ҳужжатлардан бири Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциядир (Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women).

У 1979 йил 18 декабрда БМТнинг олий органи – Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган бўлиб, 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган. Бугунги кунга келиб 185 давлат ушбу Конвенциянинг иштирокчилари ҳисобланади.

Конвенцияда тавсия этилган чора-тадбирлар жумласига қуйидагилар киради:

- аёлларга нисбатан камситишларни қонун билан тақиқлаш;
- аёлларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;
- аёллар ва эркекларнинг амалдаги тенглигига эришишни тезлаштириш учун қўшимча чоралар кўриш;
- аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаш;
- камситишларга сабаб бўладиган ижтимоий ва маданий хулқ-атвори ўзгартириш.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция давлатлар учун аёлларнинг эркеклар билан тенглигига эришиш мақсадида ўз сиёсатларини белгилашлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Конвенция қоидаларининг бажарилиши юзасидан назоратни БМТнинг асосий органларидан бири, Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитаси амалга оширади.

Ушбу Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар эркеклар ва аёлларнинг амалдаги тенглигига эришиш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларида – сиёсий, ижтимоий, фуқаролик, иқтисодий ёки маданий соҳаларда улар учун тенг имкониятлар яратиш мажбуриятини олади. Бу давлатлар тўрт йилда бир марта Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитасига Конвенция қоидаларининг қонунчиликда қандай акс этаётгани ва амалда қандай бажарилаётгани ҳақида маърузалар тақдим этишлари керак. Тақдим этилган маърузалар асосида Қўмита давлатлар учун хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашни такомиллаштириш бўйича ва бу соҳада мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тавсияларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон ушбу Конвенцияни 1995 йилда ратификация қилган бўлиб, БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитасига тўртта даврий маърузасини тақдим этган. Охирги маъруза 2010 йилнинг январ ойида кўриб чиқилди. Бундан ташқари, 2007



йилда республикада Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитасининг тавсиялари асосида Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди ва "Хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлари кафолатлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларида аёллар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини белгилаш ҳамда жинсга кўра камситишларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини мувофиқлаштиришдан иборат.

Кенг омма учун мўлжалланган ушбу китобчанинг мақсади Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция моддаларини оддий мисоллар билан осон тилда тушунтиришдан иборат. Унда аёлларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, фуқаролик, давлат бошқарувида, мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш, тиббий хизмат ва ижтимоий таъминот олиш ва ҳоказоларга бўлган ҳуқуқларни акс эттирган Конвенция моддаларининг мазмуни очиб берилган.

Ушбу ҳуқуқлар мазмуни савол ва жавоблар тарзида акс эттирилган бўлиб, Конвенция моддалари, миллий қонунчилик ва Ўзбекистон тажрибасига асосланган. Саволлар турли даражада маълумотга эга бўлган ва турли ёшдаги аҳоли гуруҳлари билан бўлган суҳбатлар асосида танланган.

Нашр БМТ Тараққиёт Дастури томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланган.

Нашрни рецензиялаш ва қайта ишлашда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг таҳлил ва тадқиқотлар бўлими бошлиғи ю.ф.н. Ф.Х. Бакаева ва БМТ Тараққиёт Дастурининг ҳуқуқий изланишлар бўйича координатори ф.ф.н. Е.В. Абдуллаевлар иштирок этдилар.

Ушбу нашр ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган китобча ушбу соҳада вужудга келадиган ҳамма саволларга жавоб бера олмайди. Китобчанинг мақсади – аёллар ҳуқуқлари масаласи қанчалик долзарб масала эканлигини ва бу масала фақатгина давлатга эмас, балки бутун жамият, ҳар бир оилага тааллуқли эканлигини кўрсатишдир. Бу нашр Конвенция қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг




барча ҳудудларида кенг тарғиб этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари учун ҳам аҳамиятли бўлади, деб умид қиламиз.

Муаллифлар ўқувчиларнинг турли таклиф, изоҳ ва тавсияларини бажонидил қабул қиладилар, уларни ушбу манзилга жўнатиш мумкин: Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4 уй ёки электрон манзил: [registry@undp.org](mailto:registry@undp.org).







**ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ҲУҚУҚЛАРИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ  
ХАЛҚАРО АСОСЛАРИ  
ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ  
ҚОНУНЧИЛИКДАГИ  
АКСИ**

## САВОЛ ?

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция нима?

## ЖАВОБ !

Ушбу Конвенция халқаро шартнома бўлиб, 1979 йилнинг 18 декабрида қабул қилинган ва аёллар ҳуқуқларини ўзида мужассамлаган. Бу Конвенциядан ташқари хотин-қизлар ҳуқуқлари 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактларда, 1967 йилдаги Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларацияда ҳам ўз аксини топган.

Бироқ Конвенция жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг устивор йўналишларини белгилловчи, давлат ва жамият томонидан аёлларнинг жисмоний ва интеллектуал ўсишлари учун қулай бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитлар билан таъминлашга қаратилган чораларни белгилловчи асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Конвенция давлатларга аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканликларини, давлатлар эса жамиятнинг маданияти, анъаналари ва менталитетидан қатъи назар улар ҳақида ғамхўрлик қилишлари кераклигини эслатиб туради.

Конвенцияни имзолаган давлатлар БМТнинг тегишли қўмитасига ўзларининг миллий ҳисоботларини ҳам тақдим этадилар. Бу ҳисоботда давлатлар Конвенция қоидаларини амалиётга татбиқ этиш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган чора-тадбирлар ва бу соҳадаги қийинчиликларни кўрсатишлари керак. Бундай ҳисоботлар БМТ Қўмитасига иштирокчи давлатларнинг ўз мажбуриятларини қандай бажараётганларини кузатиб бориш имконини беради, чунки ҳисобот даврида миллий қонунчилик таҳлил қилинади. Конвенциянинг ҳар бир қоидасининг бажарилиши бўйича мониторинг олиб борилади.

Ўзбекистон БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитасига 4 та даврий маърузасини тақдим этган, тўртинчиси 2010 йилнинг январ ойида кўриб чиқилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитаси маърузани кўриб чиққач, ўзининг якуний хулоса ва тавсияларини беради. Уларда давлатнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашдаги ютуқ ва камчиликлари кўрсатилиб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, қонунчилик, жамоатчилик ва давлат органларининг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда барча фуқароларни, аёл ва эркакларни аёллар ҳуқуқларига доир халқаро ва миллий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилган қўшимча чоралари таклиф қилинади.

## САВОЛ ?

Конвенция қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан уйғунлиги қандай?

## ЖАВОБ !

Конвенция талабига кўра, давлатлар ўз конституция ва бошқа қонуний актларига эркак ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги тамойилини киритишлари, хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишни тақиқлашлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари ва камситувчи одатлар, қонунлар ва амалиётни бекор қилишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистон имзолаган барча халқаро шартномаларни оғишмасдан бажаради, давлат органлари эса уларни амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўришга мажбурдирлар деган қоида мустаҳкамланган (27,28 моддалар).

Агар халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қоидалардан бошқа қоида белгиланган бўлса, унда халқаро шартномада кўрсатилган қоида қўлланилиши кераклиги Ўзбекистон Республикаси қонунларида қайд этилган.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномалар бевосита қўлланилмайди, улар миллий қонунчиликка тамойиллар, нормалар ва қоидалар тарзида киритилганидан сўнггина амалда қўлланилиши мумкин. Халқаро қоидаларнинг миллий қонунчилик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан шуғулланадиган давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш жараёни имплементация деб аталади. Судялар ўз қарорларида мамлакат томонидан ратификация қилинган ва бажарилиши мажбурий бўлган халқаро шартномаларга асосланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги тамойили мустаҳкамланган. Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар бир хил ҳуқуқлар ва эркинликларга эгадирлар ва қонун олдида тенгдирлар деган қоида белгиланган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидалари Меҳнат, Оила, Жиноят кодексларига, сайловлар тўғрисидаги, таълим тўғрисидаги, соғлиқни сақлаш, бандлик тўғрисидаги ва бошқа қонунларга имплементация қилинган.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини қоралайдилар, хотин-қизларнинг камситилишига зудлик билан барча тегишли усуллар орқали барҳам бериш сиёсатини олиб бориш йўлида қуйидагиларга келишиб оладилар:

а) эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини, агар бу ҳали амалга оширилмаган бўлса, ўз миллий конституциясига ёки бошқа тегишли қонун ҳужжатларига киритиш ҳамда бу принципнинг қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида амалга татбиқ этилишини таъминлашга;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини тақиқловчи тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва бошқа чораларни кўриш, шу жумладан, зарур бўлган ҳолларда санкциялар қўллашга;

в) хотин-қизларнинг ҳуқуқлари эркаклар билан тенг асосда юридик жиҳатдан ҳимоя қилинишини белгилаш ҳамда хотин-қизларни камситишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасалари ёрдамида самарали муҳофаза қилишни таъминлашга;

г) хотин-қизларни камситишга қаратилган бирор бир ҳаракатни ёки хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийилишга ҳамда давлат органлари ва муассасаларининг шу мажбуриятга мувофиқ ҳаракат қилишларини кафолатлашга;

д) хотин-қизларнинг бирор бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан камситилишига барҳам бериш учун барча тегишли чораларни қабул қилишга;

е) хотин-қизларни камситишга қаратилган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни кўришга, шу жумладан қонун ҳужжатлари қабул қилишга;

ж) ўз жиноят қонунчилигининг хотин-қизларни камситишга қаратилган барча қоидаларини бекор қилишга.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддаси)



## САВОЛ ?

«Хотин-қизларга нисбатан камситиш» деган иборани эшитиб қолдим.

Бу ҳақда батафсилроқ билмоқчиман.

## ЖАВОБ !

Камситиш инсонни бирор-бир белгига кўра сабабсиз, ноқонуний фарқлаш, уни бошқалардан паст кўришни англатади. Жамиятда инсонни фарқлашга унинг миллати, диний эътиқоди, ёши, саломатлик ҳолати, сиёсий қарашлари, моддий ва оилавий аҳволи ва ҳ.к. асос бўлиши мумкин. Масалан, бир миллат вакилларига адолатсиз равишда устунлик яратиш бошқаларга нисбатан камситиш бўлади. Ҳар қандай камситиш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди, баъзи ҳолларда ҳатто улардан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқаради.

Ҳар қандай фарқлаш ҳам камситиш бўлавермайди. Масалан, агар 10 ёшли болага ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш рад этилган бўлса, бу асослидир. Аммо ҳайдовчилик гувоҳномаси фақат эркакларга бериладиган бўлса, бу аёлларга нисбатан камситишдир.

Бу ҳолда фарқлаш жинсий мансубликка асосланган, яъни, гап – аёл ёки эркак тўғрисида кетаётганига боғлиқ. Эркакларга устунлик яратиб, аёлларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай амаллар, сўзлар, ҳатти-ҳаракатлар аёлларга нисбатан камситишдир.

Масалан, йигитлар ҳам, қизлар ҳам мактаб, коллеж, институт, магистратура ва ҳ.к.да ўқишга баробар ҳуқуққа эгалар. Қизларнинг ўқиши шарт эмас, деб ҳисоблаб, ҳеч ким, жумладан ота-она ва қариндошлар ҳам қиз болага таълим олишни тақиқлаши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида кўрсатилишича, "Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар бир хил ҳуқуқлар ва эркинликларга эгадирлар ва қонун олдида тенгдирлар". Бундан ташқари, Конституциянинг 46-моддасида "Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқларга эгадирлар" дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 3-моддасига кўра барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашшга йўл қўйилмайди, деган қоида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасида шундай дейилган: "Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади".

Ушбу моддага кўра, меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ҳозирги кунда Конвенция қоидаларини миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш

учун Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлари кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларида аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини белгилаш ҳамда жинсга кўра камситишларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини мувофиқлаштиришдан иборат.

Таъкидлаш керакки, бу Конвенциянинг муҳим тавсиялари Ўзбекистон Республикаси томонидан хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда инobatга олинган:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эркеклар билан бир қаторда аёлларга ҳам бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки хил шакли кўрсатилган: суддан ташқари (35-модда) ва суд тартибиди (44-модда). Ушбу конституциявий қоидаларни бажариш учун қуйидаги қонунлар амал қилади: "Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш тўғрисида" (30 август, 1995 йил), "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" (янги таҳрир) (13 декабрь, 2002 йил), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Бундан ташқари, мурожаатларни кўриб чиқишни рад этиш, қонунга хилоф қарор чиқариш ва бошқа шу каби ноқонуний ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига кўра жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141-моддасига кўра фуқароларнинг тенгҳуқуқчилигини бузиш жиноят ҳисобланади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар яратиш фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузиш ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, миллий жинсий қонунчиликда камситувчи қоидалар йўқ. Бундан ташқари, Жиноят кодексига аёллар ва оналарнинг физиологик хусусиятлари эътиборга олинган. Масалан, баъзи турдаги жазоларнинг – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларнинг аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги, ахлоқни тузатиш ишларининг ҳомиладор ва бола тарбиялаш таътилидаги аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги ва бошқалар. Жабрланувчининг ҳомиладорлиги аён бўлган ҳолатда жиноят содир этиш оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, Жиноят кодексининг алоҳида моддалари аёлларнинг соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, оилавий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган. Жиноятлар сирасига аёлни аборт қилдиришга ундаш, никоҳга киришга мажбурлаш ёки никоҳга киришига тўсқинлик қилиш, ноқонуний равишда ишга олмаслик ёки ишдан бўшатиш, жинсий алоқа қилишга мажбурлаш каби ҳаракатлар, ҳамда бир рўзғор асосида кўп-хотинлилик каби ҳолатлар киради.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «хотин-қизларни камситиш» тушунчаси эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳада, фуқаролик соҳасида ёки бошқа исталган соҳада, хотин-қизларнинг оилавий аҳволидан қатъи назар, улар томонидан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланилиши ёки бу ҳуқуқлар ва асосий эркинликларнинг амалга оширилишини сусайтиришга ёки йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белгиларга кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно этиш ёки чеклашни англатади.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддаси)



## САВОЛ ?

Оналикнинг махсус ҳимояланганлиги, аёлларга берилган имтиёзлар, парламентга сайланишда қўшимча квота, жиноий жавобгарликнинг енгиллаштирилиши ва бошқа ҳолатлар эркакларни камситиш эмасми?

## ЖАВОБ !

Йўқ, аёлларга нисбатан қўлланиладиган имтиёз, квота ва бошқа махсус чоралар эркаклар ҳуқуқини бузмайди ва камситиш ҳисобланмайди.

Камситиш деганда, инсон ҳуқуқини чеклайдиган ёки бекор қиладиган, уни камситадиган ва асоссиз бўлган фарқлаш тушунилади. Ҳамма инсонлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланишлари керак. Гоҳида давлат алоҳида шахслар гуруҳига тенг ҳуқуқлардан фойдаланиши учун алоҳида махсус чоралар белгилайди. Бундай ҳолатлар, яъни бир хил масалаларда эркаклар ва аёлларга нисбатан ҳар хил муносабат, масалан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган махсус чоралар камситиш ҳисобланмайди.

Конвенциянинг 4-моддасида айтилишича, давлатлар оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган махсус чоралар қабул қилишлари мумкин ва улар камситувчи ҳисобланмайди. Бундай ҳолатларда биз ҳуқуқларнинг ҳар хиллигини эмас, балки аёллар ва болалар аҳволини яхшилашга қаратилган махсус имтиёзларни инобатга оламиз.

Ўзбекистонда аёллар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришишни тезлаштириш учун махсус чоралар кўрилади. Улар Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасида кўрсатилган қоидага биноан камситувчи ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий актлари бир томондан фуқароларнинг қайси жинсга мансуб эканликдан қатъи назар сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларининг тенглигини тан олса, иккинчи томондан аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахслар учун қўшимча кафолатларни белгилайди. Бундай кафолатлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги туфайли аёлларнинг ишга олинишини рад қилиш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланган. Аёлнинг ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш учун ишга олиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддаси);
- ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёлларни ишга олишда дастлабки синов муддатларини белгилашга йўл қўймаслик;
- хотин-қизлардан ноқулай меҳнат шароитидаги ишларда ва ер остидаги ишларда фойдаланишни тақиқлаш, шунингдек хотин-қизлар учун белгиланган нормалардан ортиқ оғир юкларни кўтариши ва ташишига йўл қўймаслик;
- хотин-қизларга ҳомиладорлиги туфайли ва туғиш бўйича таътил бериш, бунда таътил кунини туғишга қадар етмиш календарь куни ва туққанидан кейин эллик олти календарь куни (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь куни) қилиб белгилаш. Таътилнинг барча кунлари учун аёлнинг ўртача иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида давлат ижтимоий суғурталаш бўйича нафақа тўлаш;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагач, аёлнинг хоҳишига кўра болани парвариш-лаш учун таътил бериш;
- икки ёшга тўлмаган боласи бор ва ишлашни хоҳлаётган аёлларга иш куни давоми-



да болани овқатлантириши учун иш вақтига кирадиган ва ўртача иш ҳақи бўйича ҳақ тўланадиган танаффуслар беришнинг белгилангани;

– уч ёшга тўлмаган боласи бор ва давлат бюджети томонидан молиялаштирилган муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган аёллар учун меҳнат ҳақини камайтирмасдан қисқартирилган (35 соат) иш ҳафтасини жорий этиш;

– иш берувчига, тиббий хулосага кўра ҳомиладор аёлларга ишлаб чиқариш меъёрларини, хизмат кўрсатиш меъёрларини камайтириш ёхуд ҳомиладор аёлларни, шунингдек, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни нисбатан енгил ишга ўтказиш ёки ишлаб чиқаришнинг ноқулай шароитдаги ишидан озод қилиш, бунда аввалги иши учун тўланадиган ҳақни сақлаб қолиш ваколатининг берилганлиги;

– ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилишни ва хизмат сафарига жўнатишни тақиқлаш. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга фақат бу ишнинг она ва бола соғлигига хавф туғдирмаслиги тўғрисидаги тиббиёт хулосаси мавжуд бўлгандагина жалб қилиш мумкин;

– иш берувчининг ҳомиладор аёлларнинг ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор (ногирон бўлса ўн олти ёшгача) аёлларнинг, шунингдек қарамоғида ёш болалари бўлган аёлларнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасини ўрнатиш ваколатини мустаҳкамлаш;


– ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар учун уларнинг хоҳишига кўра ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин ёхуд бола парваришlash таътилидан сўнг таътил бериш;

Шунга аҳамият бериш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра (238-модда), аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллار бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолат ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Меҳнат кодексига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари иш берувчи томонидан таъминланади. Корхонанинг ҳеч қандай ички ҳужжатларида, ходим билан тузилган ҳеч қандай шартномада бошқа меъёрий ҳужжатларда ушбу Кодексда назарда тутилганидан ёмон шартлар бўлмаслиги керак.

Аёллар ва эркакларнинг амалдаги тенглигини ўрнатиш бўйича имтиёзлар ва вақтинчалик чоралар қўллаш масалалари бошқа соҳаларга ҳам тегишли. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида аёллар сони сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган умумий номзодларнинг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак деган қоида белгиланган.

Бу чоралар давлатнинг аёллар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришиш учун олиб бораётган чора-тадбирларидан далолат беради ва эркакларга нисбатан камситиш ҳисобланмайди.



---

---

## БУ ХАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

1. Иштирокчи давлатларнинг эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида ҳақиқий тенгликни таъминлашни тезлаштиришга қаратилган вақтинчалик махсус чоралари ушбу Конвенцияда белгиланганидек камситувчи чоралар ҳисобланмайди, лекин улар тенг ҳуқуқлилика асосланмаган ёки дифференциал стандартларнинг сақланиб қолишига асло олиб келмаслиги керак; бу чоралар имкониятлар тенглигига ва тенг ҳуқуқли муносабатларга қаратилган мақсадларга эришилгач, бекор қилиниши керак.


2. Иштирокчи давлатлар томонидан оналикни муҳофаза қилишга қаратилган махсус чораларнинг, шу жумладан ушбу Конвенцияда кўрсатилган чораларнинг қабул қилиниши камситиш ҳисобланмайди.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-  
га барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 4-моддаси)

---

---





**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ  
МАМЛАКАТНИНГ  
СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ  
ВА ИЖТИМОИЙ  
ҲАЁТИДАГИ  
ИШТИРОКИ**

## САВОЛ ?

Аёл кишига сайловда овоз бериш шартми?

## ЖАВОБ !

Сизнинг ўрнингизга бошқа одам овоз бериши мумкин эмас, ҳатто улар оила аъзоларингиз бўлишса ҳам. Сайловларда овоз бериш ҳар бир фуқаронинг сиёсий ҳуқуқидир. Сиёсий ҳуқуқлар аёллар учун мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Ҳамманинг тенг сайлов ҳуқуқи ва имкониятларини таъминлаш ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан биридир. Ҳар бир аёл давлатнинг тақдири унинг овозига боғлиқ эканлигини билиши керак. Сайловларда тенг иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун сайлов участкангиздаги сайловчилар рўйхатида фамилиянгиз борлигини текширишингиз керак.

Конвенциянинг 7-моддасида таъкидланганидек, иштирокчи давлатлар аёлларга эркаклар билан тенг шароитларда барча сайловлар ва референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш ҳуқуқини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига асосан, барча фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, фаолият туридан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан хотин-қизларга нисбатан мамлакат сиёсий ва ижтимоий соҳасидаги камситишларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилади.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида аёллар эркаклар билан тенг асосларда қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- барча сайловларда ва ошкора референдумларда овоз бериш ҳамда барча ошкора сайланадиган органларга сайланиш;
- ҳукумат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг ҳамма даражаларида барча давлат вазифаларини бажариш;
- мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар ва бирлашмалар фаолиятида иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисида”ги қонунларида ҳар иккала жинс учун сайлов андозалари тенглиги ўрнатилган, яъни аёл ва эркаклар сайлов жараёнида тенгдирлар. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида шундай дейилган: “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, сайлов тўғрисидаги қонунчиликда кўрсатилган шартлардан ташқари”.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар ва, хусусан, хотин-қизларни эркаклар билан тенг шартлар асосида:

а) барча сайловларда ва ошкора референдумларда овоз бериш ҳамда барча ошкора сайланадиган органларга сайланиш;

б) ҳукумат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг ҳамма даражаларида барча давлат вазифаларини бажариш;

в) мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар ва бирлашмалар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи билан таъминлайдилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддаси)



## САВОЛ ?

Мен дипломат бўлишни хоҳлайман, лекин дўстларим бу касб фақатгина эркаклар касби эканлигини айтаяптилар. Аёл киши дипломат бўла оладими?

## ЖАВОБ !

Ҳа, албатта. Ҳар бир инсон мустақил равишда касб танлаши керак. Ҳар ким сеvimли иши билан шуғуллансагина давлатига, халқига фойда келтиради.

Конвенцияда аёллар эркаклар билан баробар ўз ҳукуматларини халқаро миқёсда намоён этишлари мумкинлиги таъкидланган.

Бугунги кунга келиб, БМТ таркибига 192 та давлат киради. Улардан 19 таси аёллар томонидан бошқарилади, яъни, аёллар ижро этувчи ҳокимиятда юқори лавозимларни эгаллайдилар.

Бундан ташқари, ҳозирда дунё бўйлаб учта қиролича – Буюк Британия, Дания ва Нидерландия, саккиз нафар президент аёл (Ирландия, Финляндия, Филиппин, Либерия, Чили, Швейцария, Ҳиндистон, Босния, Герцоговина), уч нафар Бош вазир аёл (Янги Зеландия, Мозамбик, Антил ороллари), учта генерал-губернатор аёллар (Сент-Люсия, Канада, Антигуа ва Барбуда), Реюньон Генерал Кенгаши раиси, Германия Федерал канцлери, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери, ҳокимият чўққисини эгаллаб турибди.

Ўзбекистон аёллари ўз давлатларини халқаро миқёсда қуйидаги ҳолларда таништирадилар:

- элчилар сифатида;
- сенаторлар, депутатлар ва парламент қўмиталари раҳбарлари сифатида;
- ҳукумат, вазирликлар, идоралар ва ҳ.к. лар вакиллари сифатида;
- халқаро ташкилотлар фаолиятида ва турли халқаро анжуманларда иштирок этувчи қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг раҳбар органлари вакиллари сифатида;
- Ўзбекистонда фаолият кўрсатадиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ходимлари сифатида;
- Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция ва савдо вазирлиги ва бошқа ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий идоралар тизими ходимлари;
- хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ҳ.к. сифатида.

**БУ ҲАҚДА  
КОНВЕНЦИЯДА  
НИМА ДЕЙИЛГАН?**

---

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларни эркаклар билан тенг шартлар асосида ва бирор-бир камситишсиз ўз ҳукуматлари номидан халқаро даражада вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имконияти билан таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 8-моддаси)

---



## САВОЛ ?

Шаҳар ва қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятлари фарқлими?

## ЖАВОБ !

Қонунчиликка асосан қишлоқ аёллари билан шаҳар аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятлари ўртасида фарқ йўқ. Улар турар жойидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эгадир.

Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқда яшовчи аёлларнинг аҳволини яхшилашга тенг ёндашилади. Бунда қишлоқда истиқомат қилувчи аёллар дуч келадиган алоҳида муаммолар ҳам эътиборга олинади. Жумладан, қишлоқ аёлларининг ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашдаги роллари ва ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати билан шуғулланишлари ҳам инобатга олинади. Шунингдек, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг қишлоқ жойларида яшовчи аёлларга тааллуқли бўлган қоидаларини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

## САВОЛ ?

Мен Фарғона водийсиданман. Фермерман ва тасарруфимда 25 га ерим бор. Келгуси ойда туманимиздаги фермер хўжалиги уюшмаси раислиги учун сайловлар ўтказилади. Мен ҳам бу сайловда иштирок этишни хоҳлаяпман.

Аёл киши фермер хўжалиги раҳбари бўла оладими деган савол қизиқтиради?

## ЖАВОБ !

Ҳа, бўла олади. Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, фермер хўжалигининг раҳбари бўлиб унинг таъсисчиси, яъни фермер ҳисобланади. 18 ёшга тўлган ва қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва тажрибага эга бўлган ҳар қандай шахс фермер бўлиши мумкин. Аёлларга фермерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ҳеч қандай чеклов йўқ.

Аёл киши фермер хўжалигининг раҳбари сифатида эркаклар билан тенг равишда банкдан кредит ёки ссуда олиш ҳуқуқига эга. Кредит берувчи учун кредит муддатининг тезлиги, қайтиб бериш ва кафолатланганлик муҳимдир. Бу талаблар эса ҳам аёллар, ҳам эркакларга бир хилда қўйилади.



## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

1. Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшайдиган ва ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган хотин-қизлар тўқнаш келаётган алоҳида муаммоларни, шу жумладан уларнинг хўжаликнинг нотовар тармоқларидаги фаолиятини эътиборга оладилар ҳамда ушбу Конвенциянинг қоидаларини қишлоқ жойларда яшайдиган хотин-қизларга нисбатан қўллашни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи давлатлар қишлоқ ҳудудларда хотин-қизларни камситишга барҳам бериш учун, уларнинг эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги асосида қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ҳамда бундан фойда олишни таъминлайдилар, хусусан, бундай хотин-қизларга:

а) ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг барча даражаларида иштирок этиш;

б) тегишли тиббий хизматлардан, шу жумладан оиланинг миқдорини режалаштириш масалаларига доир ахборот, маслаҳатлар ва хизматлардан фойдаланиш;

в) ижтимоий суғурта дастурлари натижаларидан бевосита фойдаланиш;



г) тайёргарлик кўриш ҳамда расмий ва норасмий таълимнинг барча турларидан фойдаланиш, шу жумладан функционал саводхонликка эга бўлиш, шунингдек умумий хизмат кўрсатишнинг барча воситаларидан, қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича, хусусан, ўз техник даражаларини ошириш учун маслаҳат хизматларидан фойдаланиш;

д) ёлланш бўйича ишга кириш ёки мустақил меҳнат фаолияти воситасида иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланилишини таъминлаш учун ўзига ўзи ёрдам кўрсатиш гуруҳлари ва кооперативлар ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалиги кредитлари ва заёмларидан, савдо тизимидан, тегишли технологиядан фойдаланиш эркинлиги ҳамда ер ислохотлари ва аграр ислохотларда, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эга бўлиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса уй-жой шароитлари, санитария хизматлари, электр ва сув таъминотидан, шунингдек транспортдан ва алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлайдилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 14-моддаси)





**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ  
ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ  
ФАОЛИЯТИГА  
БЎЛГАН  
ҲУҚУҚЛАРИ**

## САВОЛ ?

Мен туман марказида яшайман. Ота-онам академик лицейда ўқишимни исташмаяпти, чунки мен укаларимга қарайман ва онамларга уй ишларида ёрдамлашаман. Лекин акам коллежда ўқийди ва у ерда менга ўхшаган қизлар кўплигини айтади. Ўқишни жуда хоҳлаётганимни ота-онамга қандай тушунтирсам бўлади? Ота-оналар қиз боланинг ўқишини таъқиқлаб қўйишлари мумкинми?

## ЖАВОБ !

Таълим олиш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у яшайдиган давлат ва жамият билан бевосита боғлиқ. Ҳеч ким инсоннинг таълим олишини чеклаши ёки таъқиқлаши мумкин эмас. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, васий ёки ҳомийлар қандай сабаб бўлмасин боланинг мактаб, коллеж, лицейда таълим олишига қарши бўла олмайдилар. Бу ўқув муассасаларида таълим олиш мажбурий ҳисобланади ва давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. (41-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" қонунининг 4-моддасида ҳар кимга жинси, тили, ёши, ирқий ёки миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, келиб чиқиши, фаолият тури, ижтимоий мавқеи, яшаш жойи, Ўзбекистон ҳудудида яшаш давомийлигидан қатъи назар таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар мустаҳкамланган.

"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасида ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шу қонуннинг 11-моддасида эса ота-оналар томонидан боланинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бола мустақил тарзда васийлик ва ҳомийлик органларига ҳимоя сўраб мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу ҳуқуқ давлатнинг эътибори, уринишлари ва механизмисиз амалга оширилмайди. Йигит ва қизларнинг коллеж ва лицейларда таълим олишлари учун тегишли давлат идоралари мактаблар, лицей ва коллежларнинг қулай жойда жойлашишини, транспорт воситаларининг қулайлигини, хавфсизликни таъминлашлари керак. Бундан ташқари, юқорида айтилганидек, давлат таълим олиш ҳуқуқини тарғибот қилиши лозим. Бу эса одатда теле- ва радио дастурлар, ижтимоий роликлар ва турли плакатлар ёрдамида амалга оширилади.

## САВОЛ ?

Мен мактабни тугатяпман. Болалигимдан химик-технолог бўлишни орзу қиламан. Лекин ота-онам мен танлаган касбни аёлларга хос эмас деб, педагогика институтига ҳужжатларимни топширишимни уқтиришяпти. Улар ҳақми? Қизлар қайси олий ўқув юртларида ўқишлари керак?

## ЖАВОБ

Кўпчилик ота-оналар касб танлашда у ёки бу касбни унинг аёл ёки эркакка хослиги нуктаи назаридан баҳолашади. Бундай қарашлар миллий ва халқаро қонунчиликка зиддир.

Бола келажакдаги касбини ўзи танлаши керак. Болани касб танлашга мажбурлаш эса кўпгина халқаро ҳужжатларга зид келади. Жумладан, Ўзбекистон 1992 йилда қўшилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қоидаларига ҳам. Шунини инобатга олиш керакки, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар фарзандларга ўзлари хоҳлаган касбни танлашга тўсқинлик қилиш билан уларнинг ҳуқуқларини бузадилар.

“Таълим тўғрисидаги” қонуннинг 2-моддаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицей ёки касб ҳунар коллежини танлашнинг ихтиёрийлик тамойилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 65-моддасида бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиш, манфаатларининг таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга дейилган. Бола оилада ўз манфаатларига доир масалаларни ҳал қилишда ўз фикрини билдиришга ҳақлидир.



## **БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?**

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларни камситишга барҳам бериб, таълим соҳасида уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши ва хусусан эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги асосида қуйидагиларни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар:

а) қишлоқ ва шаҳар ҳудудларидаги барча тоифадаги ўқув муассасаларида ўқиш ва диплом олиш эркинлиги учун касбкор ёки ихтисослик танлашда изланиш учун бирдек шароитларни; бу тенглик мактабгача, умумий, махсус ва олий техник таълимда, шунингдек касбий тайёргарликнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил таълим дастурлари, бир хил имтиҳонлар, бир хил малакага эга бўлган ўқитувчилар таркибидан, мактаб бинолари ва тенг миқдордаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш эркинлигини;

в) эркаклар ва аёлларнинг ролига доир ҳар қандай бир қолипдаги қарашлар концепцияси таълимнинг барча даражаларида ва барча шаклларида биргаликда таълим олишни ва таълимнинг бу мақсадга зоришишга ёрдам берувчи бошқа кўринишларини тақдирлаш, ва хусусан ўқув қўлланмаларини ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда таълим усулларини мослаштириш орқали бартараф этилишини;

г) стипендиялар ва бошқа таълим нафақаларини олишда бир хил имкониятларни;

д) таълимни давом эттириш дастурларига, шу жумладан катталар ўртасида саводхонликни татбиқ этиш дастурларидан ҳамда эркаклар ва хотин-қизларнинг билимларидаги ҳар қандай фарқни имкон қадар тезроқ қисқартиришга қаратилган функционал дастурлардан эркин фойдаланишда бир хил имкониятларни;

е) мактабни тамомламаган қизларнинг сонини қисқартириш ва мактабни муддатидан илгари тарк этган қизлар ва аёллар учун дастурлар ишлаб чиқилишини;

ж) спорт билан шуғулланиш ва жисмоний тайёргарлик кўришда фаол иштирок этиш учун бир хил имкониятларни;

з) оиланинг соғломлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим хусусиятидаги махсус ахборотдан, шу жумладан оила миқдорини режалаштириш тўғрисидаги ахборотдан ва маслаҳатлардан эркин фойдаланилишини.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 10-моддаси)



## САВОЛ ?

Ўқув юртини тугатгач ишга кириш мақсадида барча тегишли имтиҳонларни топширдим. Меҳнат шартномасини имзолаш пайтида эса раҳбаримга ҳомиладор эканлигимни айтдим ва дарров рад жавобини олдим. Бошлиқ ҳозир корхонада иш кўплигини ва таътилга кетмайдиган доимий ишчи кераклигини баҳона қилди. Ҳомиладор аёлга ишга қабул қилишда рад этиш мумкинми?

## ЖАВОБ !

Йўқ, ҳомиладорлиги туфайли ишга олмаслик аёлларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади. Сизнинг ҳолатингизда ҳам рад жавоби ноқонуний бўлиб, сиз судга мурожаат қилишингиз мумкин. Меҳнат қонунчилиги нормаларини бузганлик учун иш берувчи юридик жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги мустаҳкамланган ва бу тенгликни таъминловчи кафолатлар тизими белгиланган. Улар жумласига аёлларга ишлашлари, оилали бўлишлари, она бўлишлари учун шароитлар яратиш; ҳуқуқий ҳимоя, оналик ва болаликнинг моддий ва маънавий қўллаб – қувватланиши, оналар ва ҳомиладор аёлларга ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзларнинг берилишини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасида ишга олишда ноқонуний рад жавоби бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Унга кўра, иш берувчи шартнома тузиши мажбур бўлган шахсларни (энг кам иш ўринлари ҳисобига юборилган шахслар, ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар, агар бу ҳолатлар ишга олмаслик учун сабаб бўлган бўлса) ишга олишда рад жавоблари қонуний эмас деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141-моддасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, “Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, зътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш энг кам ойлик иш ҳақининг эплик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

1. Иштирокчи давлатлар бандлик соҳасида хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш, эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни, хусусан, қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар:

а) барча одамларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқни;

б) ишга ёлланишда бир хил имкониятларга бўлган ҳуқуқни, шу жумладан ишга ёлланишда саралашнинг бир хил мезонлари қўлланилишига бўлган ҳуқуқни;

в) касб-корни ёки ишнинг турини эркин танлаш, лавозимнинг кўтарилиши ва бандликнинг кафолатланишига, шунингдек барча имтиёзлар ва иш шароитларидан фойдаланишга, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга, шу жумладан шогирдлик, юқори даражада касбий тайёргарликка ҳамда мунтазам қайта тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқни;

г) тенг ҳақ олишга, шу жумладан имтиёзлар олишга, бир хил қийматли меҳнат учун тенг шароитларга, шунингдек ишнинг сифатини баҳолаш борасида тенг ёндашувга бўлган ҳуқуқни;



д) ижтимоий таъминотга, хусусан пенсияга кетган, ишсиз қолган, касал, ногирон бўлиб қолган тақдирда, кексалик бўйича ва меҳнат қобилиятини йўқотишнинг бошқа ҳолларида ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини, шунингдек ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқини;

е) соғлиқни сақлашга ва хавфсиз меҳнат шароитларига, шу жумладан наслни давом эттириш функциясини сақлашга бўлган ҳуқуқни.

2. Турмушга чиқиши ёки она бўлиши сабабли хотин-қизларни камситишнинг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишга бўлган самарали ҳуқуқни кафолатлаш учун, шу билан бирга қуйидагиларнинг таъминланиши учун иштирокчи давлатлар тегишли чоралар кўрадилар:

а) ҳомиладорлик ёки ҳомиладорлик ва туғруқ таътили асосида ишдан бўшатишни ёхуд оилавий аҳволи туфайли камситишни санкциялар қўллаш таҳдиди остида тақиқлаш;

б) аввалги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақ тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналарга оилавий мажбуриятларини меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб бориш ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш имкониятини бериш учун, хусусан, болаларни парваришlash муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали, зарур қўшимча ижтимоий хизматлар кўрсатилишини рағбатлантириш;

г) меҳнатнинг хотин-қизлар саломатлиги учун зарарли эканлиги исботланган турларида ҳомиладорлик даврида хотин-қизларнинг алоҳида муҳофаза қилинишини таъминлаш.

3. Ушбу моддада айтиб ўтилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонун ҳужжатлари илмий-техникавий билимлар нуқтаи назаридан мунтазам равишда кўриб чиқилади, шунингдек заруратга кўра қайта кўриб чиқилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 11-моддаси)





**ОИЛАВИЙ  
МУНОСАБАТЛАРДА  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ҲУҚУҚЛАРИ**

## САВОЛ ?

Мен уйланганман. Менимча, тенглик масалалари эр-хотинлар ўртасида келишиб ҳал қилиниши керак. Ахир бу оилавий масала-ку. Аёл кишининг бахти ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун эса оиладаги мураса, тотувлик керак. Айтингчи, ҳаётнинг қайси соҳаларида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак?

## ЖАВОБ !

Аёллар ва эркаклар тенглиги масаласи фақатгина оилавий муносабатларга тегишли эмас. Давлат аёлларнинг ёши ва оилавий аҳволидан қатъи назар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлайди. Аёл киши турмушга чиққан ёки чиқмаган бўлсада, давлат уни ҳимоялайди ва нафақат оилада, балки жамиятдаги (ишда, ўқишда, дам олишда) фаровонлигини ҳам таъминлайди.

Миллий қонунчилик ҳам, ушбу Конвенция ҳам масъул ташкилотларни аёлларнинг ҳар томонлама тараққий этишларини таъминлаш учун барча чораларни кўришга чақиради. Бу эса аёлларнинг ҳамма соҳаларда эркаклар билан тенг бўлишларини кафолатлайди.

Оила кодексининг 2-моддаси "Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги" деб номланади ва унга кўра, оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечирishi ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги деган 3-моддада қуйидаги қоида мустаҳкамланган: "Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоӣ мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашishга йўл қўйилмайди".

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади. (Оила кодексининг 4-моддаси).

Оила кодексиди мустаҳкамланган қоидалардан келиб чиқиб, эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади ва улар оиланинг барча аъзолари томонидан риоя қилиниши керак деб айтиш мумкин.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, бу билан хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эркаклар билан тенглик асосида амалга оширишини ва улардан фойдаланишини кафолатлаш учун барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамма тегишли чораларни кўради, шу жумладан қонун ҳужжатларини қабул қиладилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 3-моддаси)



## САВОЛ ?

Мен 16 ёшдаман. Ота-онам мени турмушга беришмоқчи. Лекин ФХДЁ бўлимидагилар никоҳни қайд қилиш тўғрисидаги аризамизни қабул қилишмади. Қариндошларимиз эса исломий никоҳ ўқитилса бўлди дейишяпти. Диний одатларга кўра тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланадими?

## ЖАВОБ !

Никоҳ фақатгина ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатга олингандагина юридик жиҳатдан ҳақиқий ҳисобланади. Бу ҳолатда эса никоҳ ФХДЁ – Фуқаролик Ҳолати Далолатномаларини Ёзиш органи томонидан рўйхатга олинади керак. Аризангизни никоҳ ёшига етмаганлигингиз учун қабул қилишмаган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра, эркаклар учун никоҳ ёши 18 ёш, аёллар учун эса 17 ёш қилиб белгиланган (Оила кодексининг 15-моддаси). Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга кўра 18 ёшга тўлмаган шахс бола ҳисобланади. Конвенцияга кўра эса боланинг, яъни никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг никоҳи ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва юридик кучга эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ Оила кодексига ўрнатилган қоидалар асосида тузилади. Оила кодексининг 13-моддасига кўра никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан рўйхатга олинади. Диний одатларга кўра тузилган никоҳ эса ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган кунга тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Демак, ота-онангизда Сизни турмушга бериш учун асос йўқ, чунки Сиз ҳали 16 ёшдасиз ва никоҳ ёшига етмагансиз.

Диний одатларга кўра тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

---

1. Иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилавий муносабатларга тааллуқли барча масалаларда хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўрадилар ва, хусусан, эркаклар ва аёллар тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

б) умр йўлдошини эркин танлашда ва фақат ўзининг эркин хоҳиш-иродаси ҳамда тўлиқ розилиги билан никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқларни;

2. Никоҳ ёшига етмаган боланинг унаштирилиши ва никоҳдан ўтказилиши юридик кучга эга бўлмайди ҳамда барча зарур чоралар, шу жумладан никоҳдан ўтишнинг энг кичик ёшини белгилаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолатини қайд этиш ҳужжатларида албатта рўйхатдан ўтказиш мақсадида қонунчилик йўли билан тегишли чоралар қабул қилинади.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 16-моддаси)

---



## САВОЛ ?

Мен ўзим севган қизга уйланмоқчиман. Лекин у никоҳ шартномаси тузайлик деб талаб қиляпти. Никоҳ шартномаси ўзи нима, ва у нима учун керак?

## ЖАВОБ !

Никоҳ шартномаси бу эр-хотин ўртасида тузиладиган келишув ҳужжати ҳисобланади ва юридик кучга эга. Никоҳ шартномасининг субъектлари бўлиб никоҳга кирувчи ёки никоҳда бўлган эр ва хотинлар бўлиши мумкин. Никоҳга кирувчи шахслар ўртасида тузилган никоҳ шартномаси ФХДЁ органларида никоҳ қайд этилгандан кейингина кучга киради. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 30-моддаси).

Никоҳ шартномасининг асосий мақсади эр ва хотин ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солишдир. Яъни, эр ёки хотин эга бўлган ва кейинчалик биргаликда орттирилган мулкни қандай қилиб тасарруф этиш кераклигини аниқлаштиради. (Оила кодексининг 31-моддаси)

Оила қонунчилигига кўра никоҳ шартномаси ихтиёрийлик тамойилига асосланади. Фуқаролар никоҳланаётганларида, ёки никоҳдаликларида бундай шартномани но-тариал расмийлаштирилган ҳолда тузишлари мумкин. Қонун никоҳга кирувчилар ва эр-хотинлар учун ўзларининг мулкий ҳуқуқларини мустақил белгилашлари ҳуқуқини беради. Бу мажбурий эмас.

Оила кодексининг 31-моддаси никоҳ шартномаси билан тартибга солиш мумкин бўлган муносабатлар доирасини чекламайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, никоҳ шартномаси асосан қуйидаги тўрт турдаги муносабатларни тартибга солиши мумкин:

1. Эр-хотинлар ўз мулк ва кейинчалик биргаликда орттирган мулклари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибни ўзгартиришлари мумкин. Бунда никоҳгача бўлган мулк ва биргаликда орттирилган мулк, яъни барча қимматбаҳо нарсалар никоҳ шартномасига кўра эр-хотинлардан қайси бирига тегишли эканлиги олдиндан белгиланиши мумкин. Бу қоидалар мавжуд мулкка нисбатан ҳам келажақда орттириладиган мулкка нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.
2. Эр-хотин никоҳ шартномасида оила бюджетининг даромад ва харажатларини тақсимлаш қоидаларини ҳам кўрсатишлари мумкин. Бу қоидалар доимий даромадлар билан бир қаторда кундалик харажатларни тақсимлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, уйни таъмирлаш, фарзандларни ўқитиш, мулк харид қилиш ва ҳ.к. учун қачон ва қандай маблағ ажратилиши кераклиги тўғрисида олдиндан келишиб оладилар.
3. Эр-хотин никоҳ шартномасида зарурат туғилганда бир-бирини маблағ билан таъминлаш бўйича тартибларни ҳам белгилашлари мумкин. Бу қоидалар Оила кодексининг 17-моддасида кўрсатилган талабларга асосан белгиланиши керак. Алимент тўповлари тартиби ва миқдори алиментлар тўлаш тўғрисидаги алоҳида келишув билан ҳам белгиланиши мумкин (Оила кодексининг 130-134 моддалари)
4. Эр-хотинлар никоҳ бекор қилингандан кейин қайси мулк кимга тегишли бўлиши кераклигини ҳам шартномада белгилашлари мумкин. Бундай шартларнинг никоҳ шартномасига киритилишининг ўзига яраша афзалликлари бор. Масалан, уйда ўтирганлиги ёки бола тарбияси билан машғул бўлгани учун эр ёки хотиннинг ўз мулки бўлмаган. Никоҳ бекор қилингандан кейин эса ана шу эр ёки хотин умуман ҳеч қандай мулксиз қийин аҳволда қолиши мумкин. Никоҳ шартномаси эса ана шундай ҳолатларнинг олдини олади. Тўғри тузилган никоҳ шартномаси ҳам эр-хотиннинг ягона ҳимоя воситаси бўлиши мумкин.



## САВОЛ ?

Никоҳ тузишдан олдин бўлажак эр-хотинларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари мажбурийми?

## ЖАВОБ !

Ҳа, мажбурий. Ёши 50 дан ошган ва никоҳдан ўтаётган фуқаролар учунгина никоҳдан олдинги тиббий кўриқдан ўтиш ихтиёрий ҳисобланади.

Оила кодексининг 17-моддасига асосан, бўлажак эр ва хотин никоҳдан ўтишдан аввал соғлиқни сақлаш органлари тизимидаги муассасаларда бепул тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Белгиланган тартибда никоҳдан ўтмаган шахслар эр-хотин ҳуқуқларидан фойдалана олмайдилар ва бир-бирлари олдида жавобгар ҳам бўлмайди.

Тиббий кўриқдан ўтказишдан мақсад, оила қуриш учун ариза топширган ёшларда наслий ёки жинсий касалликларни аниқлаш, шунингдек, жисмоний ёки руҳий заиф фарзандлар туғилишининг олдини олишдир.

Ёшлар никоҳдан ўтишдан олдин ўзларининг соғлиқларини текширадилар, келажакда ўзларида ёки фарзандларида юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларнинг олдини оладилар.

Оила кодексининг 49-моддасига кўра, никоҳга кираётган шахслардан бири ўзида таносил касалликлари ёки ОИВ/ОИТС мавжудлигини яширса, шундай шикоят билан судга мурожаат қилинган тақдирда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.



## САВОЛ ?

Келинимиз ўз мутахассислиги бўйича ишга кирмоқчи. Унинг икки фарзанди бор, кичкинаси 3 ёшда. Биз эса унинг ишламай, болалар ва уй юмушлари билан шуғулланишини хоҳлаймиз. Бизнинг одатларимизга кўра бу келинимизнинг мажбуриятику, тўғрими?

## ЖАВОБ !

Йўқ, бундай эмас. Миллий қонунчилигимиз ва халқаро нормаларга кўра эр-каклар ва аёлларнинг оиладаги вазифаларига оид эскича қарашларга асосланган одат ва анъаналарнинг қўлланилиши тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (19-модда), эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот, касб тури ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир (22-модда), шунингдек, болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар (21-модда) деган қоидалар мустаҳкамланган. Меҳнат кодексининг 16-моддасига кўра эса ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ишлаётган аёллар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, Меҳнат кодексининг 229-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир, деган қоида мустаҳкамланган.

Ёш оналар тунги ишларга жалб қилиниш, иш жойини қисқартириш ва хизмат сафарларига юборишда ўзларининг ҳамкасбларига қараганда имтиёзларга эгадирлар. Шунингдек, фарзанд кўрган аёлларнинг болани парваришлаш учун олган таътиллари даврида уларнинг иш жойи (лавозими) сақланади ҳамда бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Давлат ва ижтимоий институтлар хотин-қизларга нисбатан камситувчи қарашларни бартараф этишга ҳаракат қиладилар, чунки улар хотин-қизларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциясида кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишларига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Оила қонунчилиги хотин-қизларга нисбатан ҳали ҳам мавжуд бўлган бир қилинда қарашга асосланган урф-одатларни ва бошқа амалиётни йўқотишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.


## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

Иштирокчи давлатлар қуйидаги мақсадларда барча тегишли чораларни кўрадилар:

а) эркеклар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ва маданий ҳатти-ҳаракат моделларини жинслардан бирининг қадрсизлиги ёки устунлиги ёхуд эркеклар ва хотин-қизларнинг ролига бир қолипда қараш ғоясига асосланган хурофотларга барҳам бериш ҳамда урф-одатларни ва бошқа барча амалиётни йўқотиш мақсадида ўзгартириш;

б) оилавий тарбия оналикнинг ижтимоий вазифа эканлиги тўғри тушунилишини ҳамда эркеклар ва хотин-қизларнинг ўз болалари тарбияси ва камол топиши учун умумий жавобгарлиги эътироф этилишини ўз ичига олишини таъминлаш, бунда барча ҳолларда болаларнинг манфаатлари устувор бўлиши шарт.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 5-моддаси)



## САВОЛ ?

Мен чет элликка турмушга чиқдим. Чет эллик билан никоҳ қуришим Ўзбекистон фуқаролигининг ўзгаришига сабаб бўлмайдими?

## ЖАВОБ !

Йўқ, хорижий давлат фуқаросига турмушга чиқиш аёл киши фуқаролигининг ўзгаришини талаб қилмайди.

Конвенцияда ҳам, чет элликка турмушга чиқиш аёл фуқаролигининг ўзгаришига олиб келмаслиги қайд этилган.

Давлат томонидан аёлларга эркаклар билан тенг асосда фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва сақлаб қолиш имконини бериш бўйича чоралар ишлаб чиқилган. Фуқаролик ва хотин-қизлар ҳуқуқлари 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуни билан таъминланади. Ушбу қонуннинг 1-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади”.

Мазкур қонуннинг 6-моддасида қуйидаги қоида мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди”

7-моддада айтилишича, “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди”.

19-моддага кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида ва бошқалар.

Мазкур қонуннинг 22, 24 моддаларига биноан, ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганида ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Фуқароликни қабул қилиш ёки ундан маҳрум бўлиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатида бўлиб, махсус комиссиянинг берган хулосасига кўра ҳал қилинади.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

---

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга ўз фуқаролигини олиш, ўзгартириш ёки сақлаб қолиш борасида эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради. Иштирокчи давлатлар, хусусан, аёлнинг чет эллик билан никоҳдан ўтиши ҳам, никоҳ вақтида эрининг фуқаролиги ўзгариши ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмаслигини, аёлни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантормаслигини ҳамда уни эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур этолмаслигини таъминлайдилар.

2. Иштирокчи давлатлар аёлларга ўз болаларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берадилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 9-моддаси)

---



## САВОЛ ?

Учта қизим бор. Кейингисига ўғил кўрамиз деб умид қиламан. Лекин рафиқам ёш бўлсада, соғлиги яхши эмаслиги, бошқа туғишни хоҳламаслигини айтди. Ахир мен оила бошлиғи сифатида аёлимнинг туғиш ёки туғмаслигини ўзим ҳал қилишим керак эмасми? Оиладаги фарзандлар сонини ким белгилайди?

## ЖАВОБ !

Йўқ, бундай эмас. Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир (Оила кодексининг 4-моддаси). Эр-хотинлардан ҳар бири ҳеч қандай чеклашларсиз фарзандлар сони масаласини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Фарзанд туғилиши эр ва хотинга боғлиқ бўлгани каби, оиладаги фарзандлар сони, аёлнинг туғиш ва туғмаслиги ҳам биргаликдаги келишув асосида ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 21-моддасига кўра, болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар. Демак, оиладаги фарзандлар сони, фарзандлар ўртасидаги оралиқ ҳақида қариндош-уруғлар ҳам, кўни-қўшнилар ёки таниш-билишлар ҳам буйруқ бера олмайди.

Мазкур кодекснинг 2-моддасида шундай дейилган: “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади”.

Ҳеч ким аёлни туғишга ёки аксинча, аборт қилдиришга мажбурлаши мумкин эмас. Ҳар бир аёл ва унинг фарзанди давлат ҳимоясидадир.

Ҳар бир аёл мажбурий абортлардан ҳимояланган. (Жиноят кодексининг 114, 115-моддалари).

Оиладаги фарзандлар сони эр-хотин ихтиёрига кўра, уларнинг соғлиғи, моддий таъминланганлиги, тарбияси ва бошқа бир қатор омиллар билан белгиланади.

Фарзандлар ўртасидаги оралиқ ҳам эр-хотин томонидан ихтиёрий белгиланиши керак, лекин Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, туғруқлар ораси икки йилдан кам бўлмаслиги керак. Айниқса жарроҳлик йўли билан туққан аёллар бу оралиқни сақлашлари зарур. Бундан ташқари, шуни инобатга олиш керакки, эмизиклик давридан бир ярим йилдан кейингина ҳомиладор бўлишни режалаштириш лозим. Чунки айнан мана шу давр оралиғида аёл организми тўла тикланади ва ҳомиладорлик ҳамда туғиш даври нормал ўтади.

## БУ ҲАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

1. Иштирокчи давлатларникоҳ ва оилавий муносабатларга тааллуқли барча масалаларда хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўрадилар ва, хусусан, эркаклар ва аёллар тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

е) болаларнинг сони ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралиқ вақт тўғрисидаги масалани эркин ва масъулият билан ҳал этишда ҳамда уларга бу ҳуқуқни амалга ошириш имкониятини берувчи ахборотдан, таълимдан, шунингдек воситалардан эркин фойдаланишда бир хил ҳуқуқларни;

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 16-моддаси)



## САВОЛ ?

Малакамни ошириш мақсадида чет давлатга кетмоқчиман. Танишларим эса мамлакатдан чиқиш визасини олиш учун турмуш ўртоғимнинг розилиги кераклигини айтишди.

Чет элга чиқишим учун турмуш ўртоғимнинг розилиги керакми?

## ЖАВОБ !

Йўқ, бундай эмас. Конвенцияда давлатлар шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва яшаш жойини танлашга тааллуқли қонун ҳужжатларида эркаклар ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқ беришлари кераклиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, фуқаролар – аёллар ҳам, эркаклар ҳам – республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Бироқ, айрим мусулмон давлатларига чиқишда шу давлатларнинг қонунчилиги, одатлари ва анъаналарини эътиборга олган маъқул, чунки уларнинг баъзида аёлларнинг эркаклар ёки яқин қариндошлар билан ҳамроҳликда юриши керак деган қоида мавжуд.



## БУ ХАҚДА КОНВЕНЦИЯДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

---

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаровий ҳуқуқий қобилият ва уни амалга оширишда бир хил имкониятлар берадилар. Улар, хусусан, шартномалар тузишда ва мол-мулкни бошқаришда хотин-қизларни тенг ҳуқуқлар билан таъминлайдилар, шунингдек судлардаги ва трибуналлардаги муҳокамаларнинг барча босқичларида уларга тенг муносабатда бўлинишини таъминлайдилар.

3. Иштирокчи давлатлар ўз ҳуқуқий оқибатига кўра хотин-қизларнинг ҳуқуқ қобилиятини чеклайдиган барча шартномалар ва бошқа исталган турдаги барча хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши борасида келишиб оладилар.

4. Иштирокчи давлатлар шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва яшаш жойини танлашга тааллуқли қонун ҳужжатларида эркаклар ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқ берадилар.

(Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 15-моддаси)

---



# Хулоса

---

Ўзбекистон Республикасида аёллар ва эркеклар тенглиги эътироф этилибгина қолмай, балки улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича зарур шароитлар ҳам яратилган.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда аёллар ўз ҳуқуқларини суд тартибда ёки суддан ташқари тартибда тиклашлари мумкин. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

биринчидан, тегишли давлат органларига шикоят билан мурожаат қилиш. Бундай давлат органлари шикоятларни белгиланган тартибда қабул қиладилар, аризачининг шикоятларини текшириб, ишни кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар. Сўнгра, аризачининг ҳуқуқларини тиклаш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида аризачига ёзма жавоб берадилар (маъмурий ҳимоя);

иккинчидан, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ёки қарорлари устидан судга ариза билан мурожаат қилиш (суд ҳимояси);

учинчидан, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги бузилган ҳолда ва ўз ҳуқуқларини юқорида келтирилган воситалар орқали тиклашга ҳаракат қилинган тақдирда, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилига (Омбудсманга) мурожаат қилиш. Омбудсман суд ваколатига киритилган ишларни кўриб чиқмайди. Аризачининг шикоятлари текширилганидан кейин у аризачининг ҳуқуқларини тиклаш бўйича ўз хулосасини тегишли давлат органига юборади;

тўртинчидан, қонунлар ижросини назорат қилувчи прокуратура органларига мурожаат қилиш. Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ва уларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради. Асос бўлганда прокурор инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатишга ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик фактини аниқлашга ҳақли. Бундан ташқари, агар ҳуқуқлари бузилган фуқаро соғлиғининг ёмонлиги ёки ёши туфайли ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қила олмаса, прокурор судда аризачи номидан иш юритади;

бешинчидан, Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустахкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга ваколатли бўлган адлия органларига мурожаат қилиш. Адлия органлари фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини объектив ва ҳар томонлама кўриб чиқади ҳамда амалдаги қонунчилик асосида тегишли чоралар кўради;

олтинчидан, адвокатура органларига мурожаат қилиш. Адвокатура органлари жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳимоя воситалари ёрдамида, касбий этика, адвокатлик сирига риоя қилган ҳолда мустақил адвокатлик тамойилларига асосланади.

Аёллар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, улар ким томонидан бузилганидан қатъи назар юқорида кўрсатиб ўтилган органларга мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу брошюра БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси қоидалари ва Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқлари масалалари юзасидан бошқа халқаро мажбуриятлари, шунингдек, давлатимиз ва жамиятимиз томонидан аёлларнинг давлат, жамият, оила, иш жойи ва маҳалладаги ҳамжамиятдаги ролларини ошириш учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардор қилишга ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга оширишга бағишланган нашрларни чоп этишни давом эттириш керак деб ҳисоблаймиз. Бунда БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш Қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси қоидаларини бажариш бўйича тақдим этган тўртинчи даврий маърузани кўриб чиққанидан кейин 2010 йилда берган тавсияларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.



# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

---

## 1. Халқаро ҳужжатлар

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция.

Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларация.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.

## 2. Миллий қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8 декабрь 1992 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуни, 07.01.2008 й.

Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 й. да қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 21.12.1995 й.  
Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 21.12.1995 й.  
Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. қонуни билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида» ги қонуни, 02.07.1992 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни, 02.09.1993 й.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги қонуни 06.05.1994 й.

«Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва қарорлари устидан фуқароларнинг судга мурожаат қилишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 30.08.1995 й.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуни 22.12.1995 й.

"Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 29.08.1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонуни, 24.04.1997 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, 29.08.1997 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги қонуни, 14.04.1999 й.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни (янги таҳрир), 29.08.2001 й.

"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 18.05.2007 й.

"Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 60-йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 01.05.2008 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексини амалга ошириш бўйича зарур норматив актларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, 12.04.1999 й.

«Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 25.01.2002 й.

### **3. Бошқа манбалар**

БМТ нинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг тўртинчи Миллий маърузаси.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишига барҳам бериш Қўмитасининг берган тавсиялари бўйича Миллий ҳаракатлар режаси

Нотариат: Саволлар ва жавоблар / Муаллифлар: М. Амирова, С.А. Тораев. – Т.: «Ўзбекистан», 2001. – 320. 247-250 бетлар.

## Фойдали маълумот

---

Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий Маркази – тел. 239-43-39,  
Мустақиллик майдони, 5/3.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари  
бўйича Вакили (Омбудсман) – тел. 239-81-36,  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16а.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси – тел.: 233-62-15, 233-60-03,  
Яхё Ғуломов кўчаси, 66.

Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси – тел. 239-40-42,  
Навои кўчаси, 30.

**Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда.** Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланади. – Тошкент: SMI-ASIA, 2010, 54 б.

Нашр этувчи – Арапов А.В.

### **БМТ Тараққиёт Дастури**

Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4

<http://www.undp.uz>

Наشريёт – МЧЖ «SMI-ASIA»

Ўзбекистон, Тошкент ш., Х. Олимджон майдони, 36-2а

<http://www.smi-asia.uz>

Босишга берилди - 2010 йил 5 августда.

Адади 2500 нусха.

Mega Basım bosmaхonasida чоп этилди.

Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey

ISBN 978-9943-17-018-6

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2010 й.

© Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси, 2010 й.

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2010 й.



50000